



ЖОНКУЯР УСТОЗ

Фридрих Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультети коллективи яқинда институтнинг кенсаси ўқитувчиси, немис тили лексикаси ва стилистикаси кафедрасининг доценти Борис Львович Бондаревский туғилган кунининг 50 йиллигини, педагогик фаолиятининг 25 йиллигини нишонлашди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси немис тили факультетининг биринчи қалдирғочларидан бири бўлган Б. Л. Бондаревский шу факультетда самарали меҳнат қилиб келмоқда, республикамиздаги мактаб ва олий ўқув юртиларига немис тили ўқитувчилари тайёрлаб етказишда жонбоқлик кўрсатмоқда, бутун кучи ва қобилиятини бахш этмоқда.

Б. Л. Бондаревскийнинг қимматли хизматларидан бири шуки, у ўз ҳамкасблари билан ҳамкорликда биринчи бўлиб республика педагогика олий ўқув юртиларининг немис тили бўлими ва факультетлариданги I—II курс ўқув гуруҳлари учун немис тили дарслиги яратди. Бу ўқув юртида педагогика олий ўқув юртидаги немис тили ўқитилишини аниқлагани енгиллаштириди. Мана ўн йилдан ортиқки, ўлкамиздаги олий ўқув юртида ўқитилган I—II курс студентлари ана шу дарсликдан фойдаланиб келмоқда. Бундан ташқари Б. Л. Бондаревский ўзбекистон олий ўқув юртиларининг немис тили бўлими ва факультетларидаги юқори курс талабаларига мўлжалланган тахлилий ўқиш бўйича ўқув қўлланмасининг ҳам муаллифидир. Умуман ҳамма

си бўлиб 30 босма тобоқдан зиёд қўлланма тарздаги ижодий ишлари чоп этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг чет тиллар илмий-методик кенгашининг



аъзоси сифатида Б. Л. Бондаревский чет тиллардан дарс бериш ва ўргатиш масалалари бўйича республика конференцияларини ташкил этишда актив иштирок қилмоқда. Юбилейнинг кўпгина ижодий ишлари «Ўзбекистон олий ўқув юртида чет тиллар» тўпламларида босилган. Унинг ўзи ана шу тўпламнинг биринчи сонидан бошлаб ҳозирга қадар масъул муҳаррир ўринбосаридир.

Ўқитувчи ва талабалар Борис Львович Бондаревскийни чин юракдан таъриқлар экан, унинг дарсига ҳамда ўз ишига доимо ижодий ёндашиб келаятганлигини алоҳида қайд этиб ўтишди.

Бондаревскийнинг шоғирдлари кўп. Ўзбекистон олий ўқув юртида ва мактабларида юзлаб шоғирдлари дарс бермоқда.

баъзилари партия ходими сифатида халқимизга хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг немис тили ўқитувчиси, филология факультетининг доценти Гүлнора Абдуқодирова, Ўзбекистон Коммунистик партияси Сурхондарё вилояти комитетининг лекторлар гуруҳининг раҳбари Қўлахмад Жўраевич Назиров, Хазораст район комитети инструктори Озод Хонжов ва бошқалар жонкуяр устоз шоғирдари.

Б. Л. Бондаревскийнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб таъдирланиб келинмоқда. Унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги хизматлари «Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Берлинни ишғол қилганлиги учун» медаллари билан мукофотланган бўлса, педагогик фаолияти ва жамоат ишларидаги хизматлари бир қатор фахрий ёриқ ҳамда ташаккурномалар билан таъдирланган. Бугина эмас, у институт студентлари ва ўқитувчиларининг ҳурматига сазовор бўлган, дилларидан жой оловган меҳрибон устоздир. Албатта, бу ҳар бир киши орзу қилган энг буюк мукофот ҳисобланади.

Юбилейимиз, меҳрибон устозимиз Б. Л. Бондаревскийни сўхат-салооматини, бахт-саодат, узоқ умр, бундан кейинги йили ва педагогик фаолиятида катта муваффақиятлар тилаймиз.

К. ЖУМАНИЗОВ,
Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

Спорт

ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

Шу кунларда Ўзбекистон Марказий шахмат-шашка клуби спорт шинавандалари билан одатдан ташқари гажум бўлаётган. Бу ерда аёл шахматчиларининг халқаро турнири бўлиб ўтаётган. Турнирда Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия ва Чехословакиянинг моҳир шахматчиларидан 14 киши иштирок этмоқда.

Республика физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари Ю. П. Егоров мусобақа қатнашчиларини самимий кузлагандан сўнг учрашув қатнашчилари шахмат столларига ўтирдилар. Дастлаб таълабни тошкентлик шахматчи Т. Гольдман қўлга киритди. У венгриялик халқаро спорт мастери Ева Каракаш устидан енгилгани муваффақият қозонди.

Киргизистонлик Бакира Самаганова билан болгариялик Румяна Готева учрашувни нўхтала қизғин ўтди. Бу мусобақада Киргизистон вакили устунлик қилиб, дастлабни оғога эришди. Татьяна Загудовская (Москва) — Валентина Борзенко (Тошкент), Квета Эрнтова (Чехословакия) — Лида Муслимова (Олмаота) учрашувлари дуранг натижа билан тугади. Тошкентлик спорт мастери Алла Мкртчян ва СССР сойб чемпион халқаро классдаги спорт мастери Марта Шульц (Львов) ўртасидаги бахс кечтирилди.

Мусобақа халқаро шахмат федерациясини қондалари бўйича давра системасида ўтказилмоқда. Турнир қатнашчилари ўзаро 13 партия ўйнашлари керак. 21 декабрда учрашувларга яқун ясалади.

АНГРЕН ХАБАРЛАРИ

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 100 МИНГ ТОННА

Ангрен саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрь байрами арафасида катта меҳнат зафарини қўлга киритишди — тўққизинчи беш йилликнинг тўрт йил планини бажаришди.

Бу муваффақиятга «Ангрен» разрезин ҳам муносиб ҳисса қўшди. Разрезда ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан кўмири

қазиб чиқариш 10 процент кўнлайди. Бунга асосан меҳнат уюмдорлигини ошириш туфайли эришилди. Пландан ташқари 100 минг тоннадан ортиқ кўмир қазиб чиқаришди. Бу, йиллик социалистик мажбуриятда кўзда тутилгандан анча кўпдир. Шунингдек, кон очиш ишлари бўйича ҳам план муддатидан илгари адо этилди.

САНАТОРИЙЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМАЛАР

9-шахтада меҳнат муҳофазасига катта эътибор берилади. Бу соҳада бир қатор диққатга сазовор тадбирлар белгиланган. Айниқса, шахтадаги 42 жамоатчи-назоратчининг меҳнат муҳофазаси бўйича қилбеган ишлари мактовга лойиқдир. Улар қонда иш шартини мунтазам равишда назорат қилиб борадилар. Қамчилик ва нуқсонларни аниқлаб, зудлик билан уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар қўришади. Шахтада техника хавфсизлиги

ни кабинетни ишлаб турибди. Ҳар кварталда назоратчилар билан семинар ўтказилади. Жамоатчи назоратчиларнинг меҳнати муҳофазаси қилиш бўйича қилбеган ишлари маъмурият эътиборидан четда қолмапти. Энг жонкуяр назоратчилардан Е. Анюхин, Л. Загорский, С. Иббатуллин ва бошқалар Трусковец, Чинобод, Октош, Цхалтуба, Жалолобод санаторийларида имтиёзли йўлланмалар билан ҳордиқ чиқариб, даволашиб қайтишди.

ЯНГИ БОҒДА

Республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик тўнғиз бағишлаб шаҳарда яна бир ҳордиқ маскани — «Ўзбекистон 50 йиллиги» номи маданият ва истироҳат боғи барпо этилди. Боғнинг ўртасида республикамиз оқсоқоли

Йўлдош ота Охунбобоевнинг катта ҳайкали ўрнатилган. Шу кунларда боғда дарахт кўчатлари ўтказиб давом этилган. Мамлакатимизнинг турли жойларидаги кўчатхоналардан келтирилган нисбатан хилма-хил: дуб, қайин, эвкалипт...



Рахматулла Усмоновнинг қўли гул уста дейишди. Бу беиз эмас. У 20 йилдан бери сартарошлик қилиб, ўз касбининг устаси бўлиб кетган. Ҳузурига келган кесаларни ёш ёшларни гул қилдиришда, Р. Усмонов ҳозир Киров районидagi 7-сартарошхонада хизмат қилапти. Суратда: Р. Усмонов иш ўстида. Л. Глауберзон фотоси.

ТЕКНХУРГА ШАҒҚАТ ИҶК

БИР ҲАФТА ВА ОЛТИ ЙИЛ

Талғат Ахтаров Оржоникидзе район алоқа бўлимида хат-хабарларни элтувчи вазифасида ишлайди. Кунлардан бир кун унга Газаал кент алоқа бўлими ихтиёрига етказиш учун 2700 сўм пул берилди. Шунча катта пулни кўриб Ахтаров ўз хизмат бурчини ҳам унутди. Дунёда бир марта айш сурмоқчи бўлиб, номаълум томонга қайиб бўлди.

Сал ўтмай у Тошкент шахрида пайдо бўлди, қарни ва инвентарларга нафақа тариқасида тегишли бўлган пўлларни соғуришга киришди. Бир ҳафта ишда пойтахтдаги барча рестороанларда «давр-давр» суринга ўтгудди. Шубҳали дўстлар орттириди.

Бирок, маншабозлик узоқ давом этмади. Ўзининг нига тушган област ичин ишлар бошқармасининг ходимлари Талғатни тутиб, ишнин судга оширдилар.

Шундай қилиб, бир ҳафталик «давр-давр» Т. Ахтаровга олти йилга тушди.

Л. ПАРПИЕВ.

Реклама ВА Эълонлар



САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ ИЧИГА СОЛИНАДИГАН ОТКРИТКАЛАРИНИНГ МИНИНГ ДОНАСИНИ 2 сўм 99 ти-йинга

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-й. Телефонлар: 33-80-40; 33-58-72.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Биринчи ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгилар. 9.40 — Мультифильм. 9.50 — Телефильм. 10.20 — Бир ерда яшамиз (телеспектакль). 12.00 — МОСКВА. 17.10 — ТОШКЕНТ. 17.15 — Кино. 18.15 — «Ешллик» студияси кўрсатади. 19.05 — Шеърлар мухлисига. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Машҳур совет композиторлари. Араб Хачатурян. 20.00 — Тележурнал. 20.10 — «Ўзбекистон чорвадори». 20.35 — «Ахборот». 20.55 — «Восток». 22.00 — МОСКВА. «Вакт». 22.30 — Хон. 22.55 — «ДИНАМО» (Москва). «СПАРТАК» (Москва). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.10 — МОСКВА. 18.55 — Арпото. 20.00 — Кино. Сахатчилар клуби. 21.00 — Музика. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Сўхат-салооматини». 22.30 — Бошқа кўрсатувлар эмас (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Хонейк. «ВИНОК» — АСК (Новосибирск). 21.15 — Белгиларчи йил вахтасида. 21.45 — «Альбатроснинг охири» (бадиий фильмнинг 4-серииси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/ХII да Золушка (кундузи). Р.Н. Голетто (кечкурун). 7/ХII да СССР халқ артистаси БЕРНОРА ҚО. РЕБАНЯНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6, 7/ХII да Қароқчилар. МУКИМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/ХII да Нуҳон, 7/ХII да Ҳижрон.

КИНО

СЕНЬЯЛ — НАВОИЙ номи, «ЧАНКА» (кундузи ва кечкурун). «КОЗОГИСТОН» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00, 20.00). «ДРУЖБА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 19.30).

Софди — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундузи ва кечкурун). «КОЗОГИСТОН» (11.00, 13.00, 16.00, 21.00). «ДРУЖБА» (10.20, 12.00, 14.00, 15.30, 17.10, 21.00).

Шахсий ҳаёт — «МОСКВА», «НУКУС» (кундузи ва кечкурун). Ромео ва Жульетта (14.00, 20.00). Булутлар қирғини (тоқ соатларда). — «КОМСОМОЛ» 20 йиллиги.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана в облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: